

Бу кунларда Туркистоннинг «фотиhi» бўлгон генерал Фун Кауфманнинг Самарканд шахрини олгондан кейин халкни тинчликка даъват килиб ёзгон бир хитобномасининг асли нусхаси кўлимизга тушди.

1868 йил 2 май (янги ҳисоб билан 18 майда) Фун Кауфман амир Музаффар аскарни билан урушиб, Самаркандни олгоч, сўнгра Самарканд аркида бир мунча аскарни кувиб, ўзи кўшини билан Каттакўргон ва Панжшанби томонга юриш этадир. Шу чоғда амирнинг ўгли Гузор хокими Абдумалик тўра Шахрисабз ва Китоб халки билан бирлашиб, Самарканд калъасини бир неча кун мухосара этди, яна амирнинг бир турли тадбири билан таркалишдилар.

Шу орада генерал Фун Кауфман амирнинг кўшинига галаба килиб, уни сулҳга мажбур этадир (2 июн, 1968 йил). Фун Кауфман колома аскарни билан кайтиб келиб, Самарканд халкни катли ом қилгондан сўнг, қонли кўли билан шу хитобномасини ёзиб, Самарканд халкни тинчликка чақирди (факат имзоси ўзгартирилди).

«Туркистон генерал губернатори барчани оғох бўлмок учун маълум қиладур. Подшоҳ императорга тобе юрт ичинда давом-тартиб ва осойишталикни тушурмай ушлаб турмокни ва хамсоғлар билан тотувлик ва ошнолик килиб турмокни маним давлатхоҳим манга буйрук килиб эди. Жаноби олий Бухоро Амири оқ подшоҳнинг хайрлик ниятига кўб вақт инобат қилмади. Тотувлик хақинда ихлоси ишондирганимга шубҳа килиб, Бухорб вилоятига фойдали меним юборган аҳцномамга кўнмади. Тотувлик қилмок учун Ўрусия ерининг четидан аскарларим билан кўтарилиб чикмокка тейишли бўлди.

Самарканд ва Каттакўргонни олгонимдан сўнг, неча маротаба Бухоро аскарлари устидан галаба бўлгандан сўнг, охир Амир кўрдикки, ўрус билан сугуш қилмок Бухоро халоклигига борадир. Уз фойдаси учун ва Бухоро халкининг хайриятлиги учун Ўрусия билан тотувликда ва ошноликда турмок авлорқдир.

Улуг императур хазратлари ихтиёри эмди бажо келтирилди, қомил рози бўлгоннинг ростлигига ўз мухри билан юборилган аҳдногани маҳкам килиб Ўрусия билан яраш қилди. Мундан буён Ўрусия билан Бухоронинг сарҳад ерлари будур:

Зарафшон даласини Шахрисабз бегига тобе ердан ажрататургон тогнинг усти билан Зарафшон дарёсига караб боратургон тоғлар билан ёндан сўл, магриб тарафи Каттакўргондан Зарафшон дарёсининг даласи оркали Ок тогнинг устини кесиб ўтиб, сархади магриб тарафи Нурота кўргонини Бухоро вилоятига колдируб, Нурота тогининг баланд тепаси билан юрур.

Ушбуни улуг ок подшоҳнинг тобеида бўлгувчиларнинг барчасига маълум килиб амр киламан: чет ернинг босмогидан кўркмайинча, тотувликда ва тинчликда турунгишлар, ўз ишларингиз: дехкончилик ва касб-савдоларингизни килингишлар. Тинчликни бузгон ок подшоҳнинг душманлари, албатта, халкнинг ҳам душманлари, шундайин одамларни ушлаб хокимингизга топширингизлар, конун бўйинча жазо берилмаги учун.

Ёзилди 21 саратон, 1868 йилда Самарканд шаҳринда.

Туркистон генерал губернатури адютанд Фун Кауфман мухрларини босдилар. Хитобноманинг остида Фун Кауфманнинг ўзбекча ёзувли мухри бор. Ичидаги хати шудир: «Туркистон генерал губернатури хенерал-адютанд Фун Кауфман».

Бу хитобноманинг тил жихатдан ҳам ахамияти йўқ эмас. Хитобномада «генарал» сўзи уч ўринда уч турли ёзилгон. Бунда тотор тилининг таъсири борлиги ҳам кўринадир. Чунки рус аскарлари ичида тотор бўлгонидек, аскар бошликлари хузурида тотордан тилмочлар ҳам бор эди.

*«Маориф ва ўқутгувчи» журнали, 1926 йил, 1-сон*